

## ҒАЙБ БИЛАН АЛДАНГАН ҲАҚИҚАТ: ЖАМИЯТ, ҚОНУН ВА ИМОНИЙ ЁНДОШУВ ЎРТАСИДАГИ МУВОЗАНАТ

Ўзбекистон Республикаси

Бош прокуратураси ҳузуридаги

ИЖҚҚД Сурхондарё вилоят бошқармаси

Денов туман бўлими терговчиси,

2-даражали юрист **Х.Ғ.Азимов**

e-mail:

тел:

**Аннотация:** (қисқача мақола ҳақида маълумот)

**Калит сўзлар:** фолбин, жин, рух, диссоатив, шизофрения, психоген, рухшунос 3 тилда ёзилиши шарт (ўзбек, рус, инглиз тилларида)

Янги аср - илм ва мантиқ даври, лекин Ўзбекистон жамиятида жин чиқарувчилар, фолбинлар, “қора сеҳр” билан шуғулланувчиларга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Масжид ёки шифохонадан кўра, баъзи инсонлар “фолбин”нинг эшигини қоқмоқда. Бу ҳолатнинг ортида нафақат шахсий муҳтожлик, балки қонун ва диний ёндашувнинг заифлиги ҳам турибди.

Психологлар таъкидлашча, инсонлар ноаниқлик, руҳий тушкунлик ёки анъанавий тиббиёт ечим топа олмаганда ғайритабиий кучларга мурожаат қилади. Бу ҳолат айниқса, аёллар, камбағал аҳоли ва руҳий жароҳат олган инсонлар орасида кўп кузатилади.

Ижтимоий тармоқларда тарқалган “**шипо топдим**” ҳикоялари, “**жонимни қутқарди**” деган гаплар оммавий руҳий таъсирга айланмоқда. Одамлар илм эмас, ҳиссиётга суянаётган жамиятда эътиқод ақл устидан ҳукмрон бўлмоқда.

Ислом олими ва психология асосчиси Абу зайд ал-Балхий (IX аср) – руҳий саломатлик ҳақида шундай деган: “*Инсоннинг мавжудлиги унинг руҳи ва танасидан ташкил топган, шунинг учун инсон саломатлиги руҳ ва тана ўртасидаги мувозанатга боғлиқ<sup>1</sup>*”, МАЪНБАНИ КЎРСАТИНГ!!!!!! - деб, руҳий касалликларни ҳам жисмоний касалликлар каби даволаш зарурлигини таъкидлаган.

**Испан файласуфи Жуан Луис Вивес (1493-1540)** – руҳ ҳақида шундай деган: “*руҳнинг қандай ишлашини тушуниш унинг нима эканлигини билишдан*

<sup>1</sup> МАЪНБАНИ КЎРСАТИНГ!!!!!!

кўра муҳимроқ<sup>2</sup>”. У руҳнинг хотира, ақл, мулоҳаза ва ҳукм қилиш каби хусусиятларига эътибор қаратган. МАЪНБАНИ КЎРСАТИНГ!!!!!!

Тиббиёт асосчиси бўлган буюк бобомиз Абу Али Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарида тиббиёт ва психологияга оид фикрларни келтириб: “*руҳни даволамасдан, вужудни даволаб бўлмайди*”, - деб таъкидлаб ўтган эдилар. Бугунги даврда ушбу сўзнинг нақадар ҳақиқат эканлигини яна бир маротаба гувоҳи бўлиб келмоқдамиз.

Қуръони Каримда жинлар ҳақида қуйидагича таъриф берилади: “Биз инсонни қуриган гилимдан, шакл берувчи қора лойдан яратдик. Жинларни эса тутунсиз оловдан яратдик”<sup>3</sup>.

Жинлар - Аллоҳнинг инсондан олдин яратган, норин таркибли махлуқларидир. Улар “нар” яъни оловнинг тутунсиз қисми, ёки “сомум” деб аталувчи қаттиқ иссиқ шамолдан яратилган. Бу жинлар моддий жисм эмас, лекин уларда ҳам ирода, ақл, ҳис-туйғу бор. Улар ҳам Аллоҳга ибодат қилиш, гуноҳ ёки савоб иш қилиш қобилиятига эга.

Жинлар турли хил гуруҳларга бўлинади:

Мўмин жинлар - Аллоҳга иймон келтирган ва итоат қилувчи жинлар.

Кофир жинлар - Шайтонлар, иблисга эргашувчилар ва зулматни тарғиб қилувчилар.

Кам кўрқинчли ёки безарар жинлар, баъзан инсонларга тан тортмай, тинчлик ила яшайди.

Абу Ҳанифа, Имом Ғаззолий, Ибн Таймия каби уламолар жинлар ҳақида турли фикрлар билдиришган. Масалан, Ибн Таймия шундай дейди: “Жин инсонга кириши мумкин, бундан қочиш учун зикр, дуо ва ибодат билан Аллоҳ паноҳига кириш лозим”<sup>4</sup>. МАЪНБАНИ КЎРСАТИНГ!!!!!!

НИМА САБАБДАН ЖИНЛАР ФОЛБИНЛАРГА ЁРДАМ БЕРАДИ?

1. Инсон ва жин алоқаси: Фолбинлар, сеҳргарлар ва коҳинлар жинларнинг ёрдами орқали гўё “ғайб” – яъни яширин нарсаларни билишга даъво қилишади. Қуръонда бундай амалиётлар қаттиқ қораланади: “Шайтонлар ўз дўстларига васваса солади, токи улар билан инсонларни йўлдан оздиришсин”<sup>5</sup>.

2. Жинлар бу ёрдамни нега беради?

Жинлар инсонлардан ибодат, зикр, Қуръон тиловатини кўрганда нафратланишади. Уларни гуноҳга, ширкка, ёлғонга ундаган фолбинларга ёрдам бериш орқали инсонларни Аллоҳдан узоқлаштиришни мақсад қилишади. Фолбин Қуръонни оёқ ости қилса, Қон билан ёзилган тушунарсиз сўзлардан

<sup>2</sup> МАЪНБАНИ КЎРСАТИНГ!!!!!!

фойдаланса, Аллоҳдан ўзгага сажда қилса, шундай йўллар орқали жинлар уларга маълум бир маълумот етказиши мумкин - бироқ бу маълумотлар аниқ, ҳақиқат эмас. Ҳар доим нотўғри маълумот билан аралашган бўлади. Чунки фақат Аллоҳгина ғайбни билувчидир: “(Муҳаммад) айтинг: “Осмонлар ва ерда ғайбни Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмас”<sup>6</sup>.

Психологик нуқтаи назардан бу каби ҳолатлар: Диссоциатив бузилишлар (масалан, DID – кўп шахсиятлилик), Шизофрения, эпилепсия, ёки Истерик ҳолатлар деб изоҳланади. Стивен Барретт, америкалик соғлиқни муҳофаза қилиш мутахассиси шундай деган: “Агар одамлар ‘жин кирди’ деган бўлса, ўша инсонда психоген бузилишлар бор деб тахмин қилиш керак”<sup>7</sup>. Бироқ, мусулмон руҳшунослар жинлар таъсири эҳтимолини ҳам рад этишмайди. Улар шундай дейишади: “Ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндашиш керак: баъзида тиббий, баъзида руҳий, баъзида эса диндорлик билан ёндашиш зарур”<sup>8</sup>.

Инсонларнинг ҳаётидаги оғриқлар, синовлар, ноаниқликлар ва умидсизлик ҳолатлари уларни “иқбол излаш”га ундайди. Ижтимоий тармоқларда тарқалган “шифо топдим”, “жин чиқди”, “омад келди” каби тасвирлар одамларда хомхаёл ишонч пайдо қилади. Жинлар ҳақида диний ва илмий маърифатнинг камлиги ҳам асосий сабаблардан бири.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги: Жин чиқариш, фол очиш, сеҳр каби хизматлар орқали амалга оширилиб келинаётган алдов ва кўпинча ёвузликдан иборат бу фаолиятни тартибга солмасдан, бунинг ижтимоий хавфлилик даражасига баҳо бера олмасдан фақатгина фирибгарлик сифатида баҳоламоқда. Агарда бу фирибгарлик бўлса, нима сабабдан фуқаролар фақатгина мингтадан 1 тасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишмоқда? Нега юзлаб киши соатлаб фолбиннинг қабулига кириш учун катта харажатлар қилиб, улар буюрган энг жирканч ишларни, жумладан қора мушук сўйиш, қора қўйни сўйиш, шамлар ёқиш, қабристонга бориш, игналар билан қўғирчоқларга санчиб қабрларни ичига қўйиш, қабрлардан тупроқ келтириб бошқаларга дам солиб ичириш, ҳалқали олов ёқиб ичига кириб ўтириш, тугунлар боғлаш ва шу каби саноғи йўқ исломни таҳқирловчи ишларни қилишга тайёр бўлишмоқда? Биз эса буларни фақатгина фирибгарлик сифатида баҳолаймиз холос, агарда сеҳри ўхшаса бу фирибгарлик эмас, агарда фуқаронинг айтгани бўлмас чикса у ҳолда фирибгарлик шундайми? Агар шундай бўлса демай минглаб хоҳишлар амалга ошиб фақатгина айримларигина амалга ошмасдан қолмоқда эканда, ҳолбуки юқорида таъкидлаб ўтганимдек, минглаб одамлардан атиги 1-2 нафари ариза билан мурожаат қилмоқда.

6

<sup>7</sup> Barrett, Steven. *The Health Robbers: A Close Look at Quackery in America*. (1976). – P. 43.

8

Аллоҳдан ўзгага бандалик қилиш, ширк, Қуръонни ҳақорат қилиш, Аллоҳ номидан гапириш — оғир гуноҳлардир. Расулulloҳ (с.а.в.) шундай деганлар: “Ким бир коҳинга бориб, унга ишонса, у Муҳаммад (с.а.в.)га нозил қилинган нарсага кофир бўлибди”<sup>9</sup>.

Ислом жинларнинг мавжудлигини тан олади. Қуръони Каримда жинлар ҳақида бир нечта оятлар бор бўлиб, улар инсонлар билан бирга яратилган, ўзлари учун масъулиятли ва алоҳида онгли махлуқлар экани баён этилган. Қуръондаги “Жин сураси” ва ҳадисларда Пайғамбаримиз (с.а.в.) жинлар билан мулоқот қилганлари ҳақида хабарлар бор.

Бироқ, ҳеч бир саҳиҳ ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) жин чиқариш орқали шифо берганлари ҳақида маълумот йўқ. Аксинча, бундай ишлар билан шуғулланишдан қайтарилган. Жоду, сеҳр, жин чақириш каби ишлар Исломда қатъиян ман қилинган.

Саҳиҳ «Бухорий» ва «Муслим» каби манбаларда жин таъсирига учраган шахслар ҳақида ривоятлар бор, лекин у ерда ҳам шифо Қуръон тиловати ва дуо билан берилган, ҳеч қандай моддий талаб ёки шов-шувли маросимлар қилинмаган.

Афсуски, ушбу фаолият қонун томонидан аниқ тан олинмагани учун, минглаб одамлар ҳалигача “фолбин”лар навбатида турибди.

Демак, қонун одамлар эҳтиёжидан орқада қолмоқда.

Жин чиқариш баҳонасида юз берган баъзи воқеаларда:

- руҳий касаллиги бор беморлар вақтда даволанмагани сабаб ўз жонига қасд қилган;

- қора сеҳрни йўқотаман деб ўзи ёки яқинларига жисмоний зиён етказган;

- оилалар ёрилиб кетган, фарзандлар кўркув билан яшаган.

Бундай ҳолатлар нафақат шахсий фожиа, балки жамият хавфсизлигига таҳдид солади. Бу – ислом номидан суиистеъмол, тиббиёт номидан алдов, ва қонунлардан устунлик билан яшаш демакдир.

Баъзи исломий давлатларда:

- Саудия Арабистонида сеҳр ва жоду билан шуғулланиш ўлим жазосигача олиб келиши мумкин;

- Малайзияда фолбинлик – диний масала сифатида эмас, жиноий фаолият сифатида баҳоланади;

- Индонезияда эса, муайян ҳолларда рухсат берилади, лекин давлат назоратида.

Бу давлатлар диний қадриятларни сақлаган ҳолда жамият хавфсизлигини таъминлайди.

<sup>9</sup> Муслим ривояти

### ЕЧИМ ВА ТАКЛИФЛАР

#### 1. Диний қўмита, тиббиёт ва ҳуқуқшунослар билан ҳамкорликда махсус дастур ишлаб чиқиш:

- Ислом талимотига мувофиқ, шариатга зид бўлмаган шифобахш руҳий хизматни йўлга қўйиш;

- Имом ва диний уламоларни махсус тайёрлов курслари орқали малакали “руҳий маслаҳатчилар” сифатида тайёрлаш.

#### 2. Махсус рухсатномасиз жин чиқариш ва фолбинлик фаолиятини тўлиқ тақиқлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида «Диний ниқоб остида зайритабиий руҳий амалиётларни амалга ошириш, фуқароларнинг шаъни, руҳий ёки жисмоний ҳолати ёхуд соғлиғига зарар етказиш» деб номланувчи янги модда киритиш ва уни бандлар билан тўлдириб, жавобгарлик белгилаш.

#### 4. Жамиятда соғлом руҳий муҳитни шакллантириш:

- Мактаб ва ОАВ орқали аҳолини онгли равишда ҳимоя қилиш;

- Жин, сеҳр ва ҳоказо ҳақида илмий, дин ва ҳуқуқ асосида кенг жамоатчиликка тушунтириш олиб бориш лозим;

### ЯКУНИЙ СЎЗ

Жинлар - Аллоҳ яратган махлуқлар. Лекин улар билан алоқа қилиш, уларни ёрдамга чақириш, улар орқали гап топиш, кимнидир зарарлашни мақсад қилиш - бу йўлнинг охири - тўлиқ ҳалокат.

“Ким жинлардан ёрдам сўраса, у Аллоҳни эмас, шайтонни дўст тутган бўлади”<sup>10</sup>.

Фолбин, қора сеҳр ва шу каби ишлар билан ишлаш – инсонни оғир гуноҳлар ичига тортади. Илм, сабр, ибодат билан муаммони ҳал қилиш ўрнига, улар орқали "қисқа йўл"ни танлаш - қалбдаги тафаккурни ўлдиради. Фолбин, қора сеҳр ёрдами - бу қурбонлик ила келади. Жинлар билан алоқага кирган одам: Қуръонни оёқ ости қилишга, Қон билан шартнома тузишга, Аллоҳни инкор этишга, Руҳан бўйсунушга мажбур бўлган кимсалардир.

Ислом уламолари таъкидлайдилар: “Жинлар билан ишлайдиган одам ё Аллоҳдан узоқлашган ёки у билан келишув қилган бўлади”<sup>11</sup>.

<sup>10</sup> Қуръон мазмуни, Жин сураси, 6-оят

<sup>11</sup> Ибн Таймия

## БУ ЙЎЛНИНГ ОХИРИ – РУҲИЙ ҚУЛЛИК ВА ЙИҚИЛИШ

Кўплаб фолбинлар ва коҳинлар аслида ўз жони, ақли ва тинчлигини шайтонга сотган инсонлардир. Улар аввал бойлик, шуҳрат ёки куч деб юради. Кейин эса: Тунларда уйғоқ қолишади, Қора либослар кияди, Қон, ҳайит, беғубор бола, ожиза ёл, ақли заиф, ёлғиз инсонларни қурбон қилиш ҳақида гапиради. Бу ҳолат – инсонни жинларга мажозий эмас, аниқ маънода қул қилиш йўлидир. Улар инсонни кейинчалик жинсий зўравонлик, жин орқали васвасалар, ҳатто ўз жонига қасд қилишига олиб келади.

### ШАРИАТДА БУ ЙЎЛ – КУФР ЙЎЛИДИР

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) айтганлар: “Ким бир коҳинга бориб, у айтган гапга ишонса, Муҳаммадга (с.а.в.) нозил қилинган нарсага кофир бўлган бўлади”. (Имом Аҳмад ривояти). Фолбин, қора сеҳр ва улар орқали жинлар - мусулмонга паноҳ эмас. Паноҳ фақат Аллоҳдадир. уларда куч бор деб ўйлаш - ширкка яқинлашиш, Аллоҳнинг ягона қудратини инкор этишдир.

### ЖИН ОРҚАЛИ "ЁРДАМ" ЭМАС, ОХИРАТНИ ЙЎҚОТАСАН

Одамлар баъзан фолбинга, коҳинга боради – “балодан қутқаз” деб. Лекин жони билан охиратини сотади. Қуръонда шундай дейилади: “Шайтонлар уларга гап солади, уларни васваса қилади, уларни ёлғонга буркаб, ҳалокатга етаклайди”<sup>12</sup>.

Фолбин сени ҳозир “ёнгингдаги севги”, “омад”, “пул” билан алдаши мумкин. Лекин унинг ичидаги жин унга сенинг руҳингни синаш вазифасини берган. Сен унга бир марта ишондингми - у сени ҳар куни излаб келади. Руҳингни, тинчлигингни, ҳатто фарзандларингни.

Жинлар билан ишлаш нафақат шариатга хилоф, балки қалбни, оилавий тинчликни, ақлни ва энг муҳими, ОХИРАТНИ ЙЎҚОТИШ деганидир. Жиндан сўраш - Аллоҳдан сўрашни унутишдир. Бу йўл – бутун борлиқни яратган Роббингнинг раҳматидан узилишдир. Сиз нажот истаб борган макон сизнинг ҳалокатингизни қасд қилган «нажоткорлар»дан иборатдир!

Шундай экан, агар инсонлар минглаб соатларини “жин чиқариш” навбатида ўтказаётган бўлса, демак биз – жамият, давлат ва дин сифатида ўз бурчимизга етарли даражада етишмаяпмиз. Одамларда эҳтиёж бор экан - биз уларни ёлғондан эмас, ҳақиқатдан қондиришимиз керак. Шунинг учун:

- Қонун инсонни ҳимоя қилиш учун яратилади;
- Дин инсон қалбини шифолаш учун нозил бўлади;
- Илм инсон ақлини ёритиш учун керак.

*Ғайб билан алданган ҳақиқат - энди адолат билан ифода топсин.*

<sup>12</sup> Бақара сураси, 102-оят